
ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚИШЛОҚДАГИ ИШСИЗ 20 НАФАРДАН ЗИЁД ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Сўнгги пайтларда депутатлар аҳоли хонадонларида тез-тез бўлиб, уларнинг муаммоларини ўрганаёпти, ёрдам қўлини чўзаяпти.

ЎзЛиДеП томонидан ишлаб чиқилган “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи” лойиҳаси эса халқ вакиллари фаолиятини йўлга қўйишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати Асқар Қодиров ташаббуси билан Қувасой шаҳрида ташкил этилган “О‘зЛиДеП тикув цехи” иш бошлаганига ҳеч қанча вақт ўтмасдан, унга ҳудуддаги “Аёллар”, “Ёшлар”, “Темир” дафтарларда рўйхатда турган 20 нафардан зиёд хотин-қизлар жалб этилиб, иш билан таъминланди.

Партия вакиллари, фаоллари бугун ушбу цехда бўлиб, аёллар билан суҳбат ўтказдилар. Ҳудуддаги хотин-қизлар иш билан таъминланганликлари учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-05 17:08:06